8. Bendrikov K.YE. Ocherki po istorii narodnogo obrazovaniya v Turkestane (1865-1917). – M.: Izd- vo Akad. ped. nauk RSFSR, 1960. – S. 53.
9. O‘zR MDA I-47, R-1. Ish-328. Varaq-24.
10. Maev N. Tuzemnaya shkola//Turkestanskie vedomosti,1884 oktyabr.–S. 30.
11. O‘zR MDA I-47, R-1. Ish-328. Varaq-82.
12. Bobojonova F. Buxoro amirligida ta‘lim tizimi (XIX asr oxiri – XX asrning boshlari). Toshkent 2014 yil. – B. 58.
13. O‘zR MDA I-181, R-1. Ish-77. Varaq-92.
14. O‘zR MDA I-181, R-1. Ish-77. Varaq-88.
15. O‘zR MDA I-181, R-1. Ish-77. Varaq-94.
16. O‘zR MDA I-181, R-1. Ish-77. Varaq-119.
17. O‘zR MDA I-47, R-1. Ish-1. Varaq-14.
18. O‘zR MDA I-47, R-1. Ish-328. Varaq-82.
19. O‘zR MDA I-18, R-1. Ish-7347. Varaq-52.
20. O‘zR MDA I-18, R-1. Ish-7347. Varaq-16.
21. O‘zR MDA I-18, R-1. Ish-7347. Varaq-18.
22. O‘zR MDA I-47, R-1. Ish-328. Varaq-79-80.
23. O‘zR MDA I-47, R-1. Ish-328. Varaq-72.

Bahrom DAMINOV,
International Islamic Academy of Uzbekistan,
11, A.Kadiri, Tashkent, 100011, Uzbekistan

ҚУРЪОНИ КАРИМДАГИ «ИЛМ» СЎЗИ ВА УНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

СЛОВО «ИЛМ» (ЗНАНИЕ) В СВЯЩЕННОМ КОРАНЕ И СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ИХ ПЕРЕВОДОВ

THE WORD «ILM» (KNOWLEDGE) IN HOLY QURAN AND COMPARATIVE ANALYSIS OF TRANSLATION OPTIONS

Калит сўзлар: *таржима, Қуръони карим, илм, тафсир, сўз, маъно, вариантлар, фарқлар, ўхшашликлар, Абдулазиз Мансур.*

Ключевые слова: *перевод, Священный Коран, знание, толкования, слово, значение, варианты, отличия, сходства, Абдулазиз Мансур.*

Key words: *translation, Holy Quran, knowledge, interpretation, word, mean, options, differences, similarities, Abdulaziz Mansur.*

Маълумки, илм инсониятни тараққиётга етакловчи ҳамда ундаги инсонийлик хусусиятларини камолга етказувчи энг муҳим омиллардан биридир. Ислом дини ва муқаддас Қуръони каримда илм мавзусига алоҳида эътибор қаратилган.

«Илм» сўзи Қуръони каримда кенг маънода, аниқроғи, ўзбек тилидаги «билим» сўзи билан қамраб олинган маъноларда ишлатилган.

Ушбу мақолада «илм» сўзи ва шу ўзакдан ясалган сўзларнинг Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур ҳамда Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф томонидан амалга оширилган таржима ва тафсирларидаги вариантлари ва улар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқлар ҳамда у вариантлар ичидаги энг мосроқ қўлланган сўзлар қиёсий таҳлил қилинади. Шуни таъкидлаш зарурки, бу қиёсий таҳлилдан кўзланган асосий мақсад бир таржимани мақтаб, бошқасини қоралаш эмас, балки таржима вариантлари ичидаги аслиятга ҳам шаклан, ҳам маънан мосроқ келадиганини аниқлашдан иборат.

Мақолада «илм» сўзи ва шу ўзакдан ясалган сўзларнинг Қуръони каримнинг ўзбек тилидаги учта таржимаси ва тафсири: Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур ҳамда Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф томонидан амалга оширилган таржималардаги вариантлари, улар ўртасидаги ўхшашликлар ва фарқлар ҳамда ушбу вариантлар ичидаги энг мосроқ қўлланган сўзлар қиёсий таҳлил қилинган. Таҳлилда Қуръони карим оятларига динимизнинг етук уламолари қилган тафсирлар, ўзбек тилининг изоҳли луғати, шунингдек уламоларнинг оятлар борасида билдирган фикрлари асосида қисқача мулоҳазалар юритилган. Илм сўзи Қуръони каримда жуда кўп маротаба такрорланган бўлиб, ушбу мақолада асосан уларнинг 4 таси атрофида мулоҳаза билдирилган. Улар: «Тоҳо» сурасининг 52, «Нисо» сурасининг 166, «Аҳзоб» сурасининг 63, «Шуаро» сурасининг 112-оятларидир. Зеро, ушбу ояти карималарнинг ўзбек тилидаги таржималарида ўзига хос фарқланишларни кузатиш мумкин. Таҳлилдан кўзланган асосий мақсад бир таржимани мақтаб, бошқасини қоралаш эмас, балки таржима вариантлари ичидаги аслиятга ҳам шаклан, ҳам маънан мосроқ келадиганини аниқлашдан иборат.

Қиёслашда аввал аслиятнинг арабий матни келтирилади, унинг кетидан учта таржимоннинг берган вариантлари келтирилиб, сўнгра улар таҳлил қилинади.

В статье исследуется слово «илм» (знание) и слова, составленные из корня данного слова, которые были использованы в трех переводах и толкованиях (тафсирах) Священного Корана на узбекском языке, в книгах таких авторов как Абдулазиз Мансур, Алоуддин Мансур и Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф. Проводится сравнительный анализ вариантов переводов, сходства и отличия между ними, а также самые подходящие слова в данных вариантах. В аналитической статье ведутся краткие размышления на основе толкований и разъяснений зрелых ученных-улемов нашей религии, толковых словарей узбекского языка, а также, высказываний и рассуждений улемов об аятах. Слово «илм» (знание) многократно повторяется в Священном Коране. Однако, в данной статье автор рассматривает четыре случая его поминания, а именно в: суре «ао Ха», аят 52, суре «Ниса», аят 166, суре Ахзаб, аят 63, суре «Шуара», аят 112. Так как, в узбекских переводах данных священных аятов наблюдаются своеобразные различия, основной целью анализа является уточнение перевода, более соответствующего оригиналу, как по форме, так и содержанию. Целью данной статьи не является определение превосходство одного перевода по отношению к другому.

Для сопоставления, сначала приводится оригинальный текст на арабском, затем три варианта перевода и после этого приводится анализ.

The article explores the word “ilm” (knowledge) and words made up of the root of the word, which were used in three translations and interpretations (tafsirs) of the Holy Quran in the Uzbek language, in books by authors such as Abdulaziz Mansur, Alouddin Mansur and Muhammad Sodik Muhammad Yusuf. A comparative analysis of translation options, similarities and differences between them, as well as the most appropriate words in these options. The analytical article contains brief reflections based on the interpretations and explanations of the mature ulama scholars of our religion, the explanatory dictionaries of the Uzbek language, as well as the statements and reasoning of ulamas about ayats. The word “ilm” (knowledge) is repeated many times in the Holy Quran. However, in this article, the author considers four cases of his remembrance, namely in: Sura “Ta Ha”, Ayat 52, Sura “Nisa”, Ayat 166, Sura Ahzab, Ayat 63, Sura “Shuara”, Ayat 112. Since, In the Uzbek translations of these sacred verses, there are peculiar differences, the main purpose of the analysis is to clarify the translation, which is more consistent with the original, both in form and content. The purpose of this article is not to determine the superiority of one translation in relation to another.

For comparison, the original text is first given in Arabic, then three translation versions and then the analysis is given.

Қиёслашда аввал аслиятнинг арабий матни келтирилади, унинг кетидан учта таржимоннинг берган вариантлари келтирилиб, сўнгра улар таҳлил қилинади. Оятларни таҳлил қилишда тафсирлардан ва уламоларнинг шу оятларга билдирган фикр-мулоҳазаларидан, арабча ва ўзбекча луғатлардан ва бошқа шу каби манбалардан фойдаланилди.

Тоҳо, 52

(قَالَ فَمَا بَالُ الْقُرُونِ الْأُولَىٰ)(قَالَ عِلْمُهَا عِنْدَ رَبِّي فِي كِتَابٍ ۖ لَا يَضِلُّ رَبِّي وَلَا يَنْسَى)

Шайх Абдулазиз Мансур ушбу оятни шундай таржима қилган: Фиръавн деди: «***Унда аввалги авлодларнинг ҳоли недир (Раббинг уларни ҳам азоблайдими?) (Мусо) айтди: «Улар ҳақидаги маълумот Раббим ҳузуридаги китоб (Лавҳ ул-маҳфуз)дадир. Раббим адашмас ва унутмас***» [1;315 б.] Оятдаги علمه сўзини «улар ҳақидаги маълумот» деб таржима қилган.

Шайх Алоуддин Мансур «***У ҳақидаги билим парвардигорим ҳузуридаги китобда – Лавҳул Маҳфуздадир***»[2;224 б.] деб, мазкур сўзни «билим» деб таржима қилган. Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф эса, Алоуддин Мансурнинг таржимасига ўхшаш таржима қилган, лекин у «***билим***» эмас, балки унинг синоними «илм» сўзини ишлатган.

«***Уларнинг илми Роббим ҳузурида, китобдадир. Роббим адашмас ва унутмас»,*** – деди [3; 582 б.].

Демак, учала таржимон уч хил таржима қилишган. Улар оятни тўғри таржима қилганликларига шак-шубҳа йўқ, бироқ биз «Қайси муфассирнинг таржимаси оятнинг маъносига муносиб тушган?» – деган саволга жавоб излаймиз.

Учала сўз ҳам оятнинг маъносига мос келади, шундай бўлсада, уларнинг ичида энг муносиброғи Абдулазиз Мансурнинг «маълумот» деган сўзидир. Сабабини билиш учун оятдаги ҳолатга назарни қаратсак. Фиръавн Мусодан аввалги инсонларнинг аҳволи нима кечганлигини сўраган пайтда, у аввалгилар ҳақидаги маълумот Аллоҳнинг ҳузуридаги китобда, яъни Лавҳул маҳфузда эканлигини ва уларнинг ҳоли нима бўлишини фақат Аллоҳнинг ўзигина билишини хабар беради.

Демак, бу ўринда «аввалгилар ҳақидаги илм» ёки билим деган сўзга нисбатан «аввалгилар ҳақидаги маълумот» деган сўзни қўйиш муносибга ўхшайди.

Нисо, 166:

(لٰكِنِ اللَّهُ يَشْهَدُ بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ ۖ أَنْزَلَهُ بِعِلْمِهِ ۖ وَالْمَلَائِكَةُ يَشْهَدُونَ ۚ وَكَفَىٰ بِاللَّهِ شَهِيدًا)

1. ***«Лекин Аллоҳ сизга нозил қилган нарса (Қуръон)га Ўз илми билан гувоҳлик беради. Фаришталар ҳам гувоҳлик берурлар. Аллоҳ ўзи етарли гувоҳдир» [1;104 б.].*** (Абдулазиз Мансур)

2. ***«Лекин Аллоҳ сизга ўз билими билан нозил қилган нарсага гувоҳлик берур...» [2;70 б.].*** (Алоуддин Мансур)

3. ***«Лекин Аллоҳ сенга нозил қилган нарсаси ила гувоҳлик беради. Уни Ўз <u>илми</u> ила нозил қилди. Фаришталар ҳам гувоҳлик берурлар. Гувоҳликка Аллоҳнинг ўзи кифоя қилур»*** [3;654 б.]. (Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

Энди оятга арабча тафсирларда берилган шарҳларга эътибор қаратсак. Насафий шундай шарҳ берган:

« و معنى شهادة الله بما انزل اليك اثباته لصحته كما يثبت الدعاوى بالبينات ،إذ باظهار المعجزات الحكيم لا يأيد الكاذب بالمعجزات ، (انزله بعلمه) أي انزله وهو عالم **بانك** اهل لانزالها اليك وانك مبلغه وانزله بما علم من مصالح العباد ...»

«Аллоҳнинг у кишига нозил қилган нарсага гувоҳлик беришининг маъноси бу, мўъжизаларни кўрсатиш орқали унинг ҳақиқатлигини исботлашдир. Худди даъволар ҳужжатлар орқали исботлангани каби, чунки ҳикматли зот ёлғончини мўъжизалар билан қўллаб-қувватламайди.

(Уни ўз илми билан нозил қилди), яъни сенга уни нозил қилишга лойиқ эканлигингни ва сен уни етказувчи эканлигингни билган ҳолатда нозил қилди. Ёки бандаларининг ўзи билган манфаатлари билан нозил қилди ... » [8;418.1t]

«Тайсирул Каримир Раҳмон фи тафсири каломил Маннон» номли тафсирда Саъдий шундай шарҳ беради:

انزله بعلمه يحتمل ان يكون المراد انزله مشتملا علا علمه، أي فيه من العلوم:

الاهية والاحكام الشرعية والاخبار الغيبية ما هو من علم الله تعالى الذي علم به عباده ويحتمل ان يكون المراد انزله صادرا عن علمه، و يكون في ذلك إشارة وتنبيه على وجه شهادته...

«Эҳтимол, бу ердаги илмдан мурод, Унинг ўз ҳузуридан бўлган илмини ичига олган ҳолатда нозил қилди, яъни унда шундай бир илмлар ва шаръий ҳукмлар ва ғайбий хабарлар борки, уларни Аллоҳ ўз бандаларига таълим берди. Эҳтимол, ундан мурод, Аллоҳ ўз илмидан келиб чиқиб нозил қилди, яъни «билиб» деган маъно бўлиши мумкин» [10; 215.1t].

Муфассирлар Ибн Касир, Табарий, Қуртубий ҳам шундай ёки шунга ўхшаш маъноларда тафсир қилишган. Кўриниб турибдики, Абдулазиз Мансур таржимасида бошқа барча тафсир ва таржималардан фарқли ўлароқ «илм билан» бирикмаси «гувоҳлик беради» феълига боғланган, бошқалар эса уни нозил қилишга боғлаб келтиришган. Агар жумланинг сўзма-сўз таржимасига эътибор қаратилса: «... лекин Аллоҳ сизга нозил қилган нарсага гувоҳлик беради, Ўз илми билан нозил қилган нарсага ... » – деган жумла келиб чиқади. Кўриниб турибдики, «илм» сўзининг гувоҳлик беришга боғлиқ жойи йўқ. Алоуддин Мансур эса уни «Ўз илми билан нозил қилган нарсага» деб, «илм»ни нозил қилишга боғлаб таржима қилган. Алоуддин Мансурнинг таржимаси бу ерда мақсадга мувофиқроқ, гарчи бир хил сўзларни қисқартирган бўлса ҳам, юқорида келтириб ўтилган муфассирларнинг тафсирлари ҳам бу таржимани қўллаб-қувватлайди.

Мазкур оятга тўхталишдан мақсад шуки, оятдаги «илми билан» бирикмаси «гувоҳлик беради» бирикмаси билан боғланадиган бўлса, оятнинг маъноси ўзгариб кетиши мумкин, зеро бунда Қуръ-

они каримнинг қай ҳолда нозил бўлганлиги ҳақида сўз кетмоқда. Муфассирлар Насафий, Саъдий, Ибн Касир, Табарий, Қуртубий, Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳам айни шу маъноларда, яъни «ўзининг ҳузуридан бўлган, инсонларга таълим беришни ирода қилган илм билан» ёки «Аллоҳ ўзи билган ҳолатда нозил қилди» ва шунга яқин маъноларда тафсир қилишган.

Аҳзоб, 63

(يَسْأَلُكَ النَّاسُ عَنِ السَّاعَةِ ۖ قُلْ إِنَّمَا عِلْمُهَا عِنْدَ اللَّهِ ۚ وَمَا يُدْرِيكَ لَعَلَّ السَّاعَةَ تَكُونُ قَرِيبًا)

1. «***Одамлар сиздан қиёмат (қачон бўлиши) ҳақида сўрайдилар. У ҳақидаги маълумот фақат Аллоҳнинг хузуридадир» – деб айтинг! Қаердан билурсиз, эҳтимол қиёмат яқинда бўлар» [1;427 б.].*** (Абдулазиз Мансур)

2. «***Одамлар сиздан (қиёмат) соати (қачон бўлиши) ҳақида сўрайдилар. «У соатни билиш ёлгиз Аллоҳнинг ҳузуридадир» – деб айтинг. Қаердан билурсиз, эҳтимол у соат яқин келиб қолгандир [2;309 б.].*** (Алоуддин Мансур)

3. «***Одамлар сендан соат (қиёмат) ҳақида сўрарлар. Сен: «Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир», деб айт. Недан билурсан, эҳтимол ўша соат яқиндир [3;630 б.].*** (Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф)

Учала таржимон «илм» сўзининг таржимасида уч хил сўзни, масалан, Абдулазиз Мансур «маълумот», Алоуддин Мансур «билиш», Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф эса «илми»ни қўллаган. Умуман олганда, барча таржимонларнинг ишлатган сўзлари бир-бирини такрорламайди, лекин учала сўз ҳам бир хил маънони ифода этиб келаверади. Шундай бўлсада, сўзлардан бири бошқаларига нисбатан мосроқ бўлиши лозим. Уни эса оятдаги гап нима ҳақида бораётганлиги ва илмнинг қайси тури кўзда тутилаётганлигидан аниқлаш мумкин.

Бизнинг фикримизча, оятнинг мазмунига энг мосроқ сўз Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф қўллаган «илми» сўзидир. Зеро, бу оятда инсонлар Пайғамбаримиз (с.а.в.) дан қиёмат ҳақида сўраган пайтларида, Аллоҳ у кишига қиёмат илми фақатгина Ўзининг ҳузурида эканлигини айтишни буюради. Демак, бу ерда қиёмат илми ҳақида сўз бормоқда. Қиёматга нисбатан асосан «илм» сўзи истеъмолда бўлади. Буни аниқлаш учун тафсирларга мурожаат қилиб кўрсак.

Саъдий бу оятни шундай тафсир қилган: «(Айтинг) уларга (уларнинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузурида) яъни, уни фақатгина Аллоҳ билади. Бас, менда ва мендан бошқаларда у ҳақида илм йўқ … »

Тафсири Жалолайнда қуйидагича келади:

«قل انما علمها عند الله و ما يدريك ،يعلمك بها . أي انت لا تعلمها»

«Айт: «***Унинг илми фақат Аллоҳнинг ҳузуридадир».*** Недан билурсан, яъни сен уни билмайсан» [9;560 б.]» Муфассирлар қиёмат қачон бўлишини фақатгина Аллоҳ билиши, бандаларда у ҳақида илм йўқлигини айтмоқда. Бу ерда кўзда тутилаётган илм, оятнинг мазмунидан кўриниб турибдики, қиёмат ҳақидаги илмдир. Шундай экан, оятда Аллоҳнинг мутлақ илми ҳақида сўз бормоқда.

Ўзбек тилида қиёматга ёки ғайбга нисбатан ишлатиладиган сўз бу «илм» сўзидир. Яъни «қиёмат илми» деб айтамиз. Масалан: «... дами ўткир, ҳар қандай балони ҳам даф қила оладиган, илми ғайбдан хабардор деб овозаси кетган». Х.Тўхтабоев. Йиллар ва йўллар [5;195 б.]. «Қиёмат маълумоти» ёки «қиёматни билиш» деган бирикмалар бизнинг фикримизча ишлатилмаса керак.

Келтирилган мулоҳазаларга таяниб айтишимиз мумкинки, мазкур уч таржима ичида оятда энг мосроқ қўйилгани бу Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг «унинг илми» деган бирикмасидир. Оятда кўзда тутилаётган илм тури, ўзбек тили истилоҳи, муфассирларнинг тафсирлари бу фикримизга далолат қилади. Тўғри, «қиёматни билиш», «қиёмат маълумоти» деган бирикмалар оятнинг мазмунига тўғри келади ва унинг мазмунини ўзгартириб юбормайди ва нотўғри таржима қилинмаган. Бироқ биз айтмоқчи бўлган ва баҳс юритаётган нарса, ушбу уч хил сўзлар ичида қайси бири айнан ана шу оятга мос келгани ва бошқаларига нисбатан тўғрироқ қўлланганлиги борасида эди.

Шуаро, 112

(قَالَ وَمَا عِلْمِي بِمَا كَانُوا يَعْمَلُونَ)

1. (Нуҳ) айтди: «Мен уларнинг нима иш қилаётганларини (қилувчи эканларини) билмасман» [1;372 б.]. (Абдулазиз **Мансур***)*

2. (Нуҳ) айтди: «Мен уларнинг нима иш – амал қилгувчи эканликларини билмасман» [2;265 б.]. (Алоуддин **Мансур***)*

3. (У) деди: «Менинг улар нима қилаётганлари ҳақида илмим йўқ» [**3; 280 б.**]. ***(Муҳаммад*** **Содиқ Муҳаммад Юсуф** **)**

Бу оятнинг таржимасида учала таржимон уч хил услуб қўллаган. Бу услубларни қисқача таҳлил қилиб кўрсак. Аслиятга назар ташланса, унда илм сўзига биринчи шахс эгалик олмоши қўшилиб келаяпти, яъни ما علمي унинг сўзма-сўз таржимаси «менинг илмим йўқ» шаклида бўлади. Демак, муфассирлар Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ва Алоуддин Мансур бу оятдаги арабча жумлани ўзбек тилига хос сўзлар билан таржима қилишган. Абдулазиз Мансур эса, уни сўзма-сўз таржима қилган. Фақат у киши бу ерда «билим» эмас, «илм» сўзини ишлатган. Шу ўринда бир савол туғилади, бу каби ҳолатларда «илм» ёки «билим» дейишда нима фарқ бор? У икковининг маъноси бир хил эмасми?

Умуман олганда, уларнинг маънолари бир хил ва бир-бирининг ўрнини босиши мумкин ҳамда ҳозирги ўзбек тилида уларнинг иккови ҳам фарқламасдан ишлатилаверади. Масалан: илмли киши= билимли киши, илм олмоқ =билим олмоқ ва ҳоказо. Бироқ, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ва маъноларибор ки, улар ҳар доим ҳам бири бошқасининг ўрнини босавермаслиги мумкин.

Мазкур сўзларнинг луғатдаги маъноларига эътибор қаратилса, ҳамма нарса ойдинлашади.

«Илм» – 1. Кишининг ўқиш-ўрганиш ва ҳаётий тажриба орқасида орттирган билими, маълумот, дониш. 2. Фан [5;195 б.].

«Билим» – 1. Объектив мавжудот ҳақидаги ёки муайян соҳага оид маълумотлар мажмуи; 2. Ўқимишлилик даражаси, маълумот эрудицияси.

«Билим» сўзини янада чуқурроқ тушунишимиз учун унинг феъл шаклида англатувчи маъноларига мурожаат қилиб кўрсак.

«Билмоқ» – 1) бирор соҳада маълумотга, билимга эга бўлмоқ. М: «Сиз математикани яхши биласизми?»; 2) хабардор, воқиф бўлмоқ. М: «Қутидор бўлса, эрталаб уйқудан тургач, бу ҳангомани билибдир, жуда ажойиб!» (А.Қодирий «Ўтган кунлар»); 3) ҳис этмоқ; ажратиб фарқ қилиб олмоқ. М: «Мен унинг ким эканлигини энди билдим». (А.Қодирий. «Ўтган кунлар»); 4) асл моҳиятини англамоқ; 5) тан олмоқ, қадрига етмоқ. М: «Ўзини билмаган халқни билмас» (мақол); 6) танимоқ, таниш бўлмоқ. М: «Бу ерда мени ҳеч ким билмайди». (А.Қаҳҳор. «Мунофиқ»); 7) уддасидан чиқмоқ, эплаб олмоқ. М: «Ҳали сиз ёлғон гапиришни ҳам биласизми?» (А.Қаҳҳор. «Айб кимда»); 9) лаззатини тотмоқ, «у таъмни яхши билади»; 10) ихтиёрга, измга эга бўлмоқ. М: «Ўзингиз биласиз» [6; 114,115 б.].

Бу келтирилган маънолардан «илм» ва «билим» сўзларининг луғавий маънолари ўртасидаги фарқ намоён бўлди. Яъни «илм» сўзи кенг қамровли маънода қўлланса, «билим» эса, ўзининг хусусий маъноларида ишлатилади, ана шу илмлардан ҳосил қилинган маълумотлар ва тажрибалар мажмуаси ҳисобланади. Араб тилида эса, бу маъноларнинг аксарияти علم – (ъалима) – билмоқ феъли орқали ифода этилади. Тарихга назар ташланса, ўлкамизга араблар кириб келгач, ислом дини халқимиз орасида кенг тарқала бошлаган. Ислом динининг манбалари араб тилида бўлганлиги ва уни олиб келувчилар араблар бўлгани ва шу каби бошқа бир қанча сабаблар туфайли, араб тилига эҳтиёж катта бўлди ва кейинчалик араб тили илмий тилга айланди. Табиийки, зиёлилар тилида жуда кўп арабий сўзлар истеъмолда бўлди ва бора-бора фарқлаб бўлмас даражада уларнинг асл тилларининг ичига сингиб кетди. «Илм» сўзи ҳам ана шундай сўзлардан бири ҳисобланади ва ўзбек тилидаги «билим» сўзига синоним сифатида қўлланилади. Шу билан бирга, юқорида келтирилган мисол орқали улар ўртасидаги фарқнинг шоҳиди бўлдик.

Демак, мулоҳазалардан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ҳар бир таржимон бирон асарни таржима қилаётганда, жумланинг маъносини ўзгартирмаган ҳолда, ўзидан аввал бу ишга қўл урган таржимонлар ишлатган сўз ва иборалар, услубларни такрорламасликка ҳамда ўзига хос услуб билан таржима қилишга ҳаракат қилади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. «Qur'oni karim ma'nolarining tarjima va tafsiri». Abdulaziz Mansur. T. Toshkent islom universiteti, 2004. – 624 б.

2. «Qur'oni karim». Tarjima va izohlari. Alovuddin Mansur. – T.: Cho'lpon, 1992. – 544 б.

3. «Tafsiri hilol». Muhammad Sodiq Muhammad Yusuf. 1–21 tom. Bishkek, 1998, Toshkent, 1993.

4. «An-Naim». Arabcha-o'zbekcha lug'at. – Toshkent, 2003. – 960 б.

5. «O'zbek tilining izohli lug'ati». 2 tom. Toshkent, 2006.

6. «O'zbek tilining izohli lug'ati». 2 tom. C.F. Akobirova T. A. Aliqulov, C.I.Ibragimov –M: Rus. yaz.1981.